БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 270 (19.046). ● Шанба, 24 ноябрь 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

## МЕҲНАТ РАПОРТИ

**Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги саноат корхоналарининг коллективлари республика ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, реализация қилинадиган маҳсулот юзасидан ўн бир ойлик планни 23 ноябрда бажардилар.**

**Ой охиригача 40 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.**

**(ЎзТАГ).**

## КЎП НУСХАДА

«Ўзбекистон» нашриёти «КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1984 йил 23 октябрь» номли китобчани ўзбек тилида алоҳида нашр қилиб чиқарди.

Китобчага КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида информацион билдириш, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Тихоновнинг доклади ва КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакат озиқ-овқат фондини муттасил ошириб бориш мақсадида мелиорациялаш, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг узоқ муддатли программаси тўғрисида»ги қарори» киритилган.

Китобчада КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Пленумдан кейин қабул қилинган мелиорация масалаларига оид қарорлари, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг «СССРда хизмат кўрсатган мелиоратор» фахрий унвонини белгилаш тўғрисида»ги Фармони ҳам эълон қилинган.

(ЎзТАГ).

# УЛКАН БУНЁДКОРЛИК РЕЖАЛАРИ

Совет халқи коммунистик бунёдкорлик ишларини партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида зўр ғайрат-шижоат билан амалга оширган ҳолда ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилини якунламоқда. Айниқса, Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш йўлида ўз миқёси жиҳатидан жуда катта ишлар қилинмоқда. Об-ҳаво шароитлари ноқулай келганлигига қарамай, қишлоқ меҳнаткашлари қаҳрамонона кураш олиб бордилар. Шунинг натижасида ўтган икки йил мобайнида етиштирилган ялпи маҳсулот беш йилликнинг дастлабки икки йилидагига нисбатан тахминан 20 миллиард сўмлик кўп бўлди. Худди шундай салмоқли ютуқлар Ўзбекистон экономикасида ҳам қўлга киритилди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигининг бир қанча соҳаларидаги аҳвол ҳамон қийин бўлиб қолаётганлигидан кўз юмолмаймиз. Маҳсулот етиштириш аҳолининг муттасил ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларидан орқада қолаётганлиги сир эмас. Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва, аввало, гўшт билан таъминлашдаги танқислик ҳали бартараф этилгани йўқ. Ҳаёт қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак ривожланган тармоғига айлантириш йўлида ўртага қўяётган проблемалар янгича, ниҳоятда самарали ҳал этилишини талаб қилади. Бунда гап йўл-йўриқларни ўзгартириш тўғрисида эмас, балки чинакам новаторларча ва ижодий ёндашув йўлларини қидириб топиш устида бормоқда.

Деҳқонларнинг бу асрий орзусини В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардаёқ ҳал этиш йўлларини ўйлаган эди. Қурғоқчиликка қарши кураш жанговар аҳамиятга эга бўлган тадбир эканлигини таъкидлаб, В. И. Ленин «Ҳаммадан ҳам суғориш иши зарурдир ва бу ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди» — деб уқтирган эди. Бу вазифа бизнинг кунларимизда ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотгани йўқ. Кишиларни ҳосил тақдири учун ташвишланишдан халос қилиш, уларга табиий офат устидан ғолиб чиқиш қувончини бахш этишни партиямиз ўзининг энг муҳим бурчи деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида ўртоқ К. У. Черненко сўзлаган нутқида шуни очиқ-ойдин таъкидладики, партия қабул қилаётган қарорлар шубҳасиз ерларнинг унумдорлигини ошириш учун курашда янги катта босқич очиб беради. Нисбатан қисқа муддатлар ичида суғориладиган ва захи қочирилган экин майдонларини бир ярим баравар кенгайтириш кўзда тутилган. Бу эса деҳқончилик маҳсулотлари олинишини икки баравар кўпайтириш имконини беради.

«Ер бизнинг энг қимматли капиталларимиздан биридир, — деди К. У. Черненко, — ерни эҳтиёт қилиб асраш, аммо суғориладиган ва захи қочирилган ерларни янада эҳтиёт қилиш лозим». Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган XVIII пленуми масалани ана шу тахлитда қўйди. Пленумда «КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг мелиорациялаш, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг узоқ муддатли программасини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни бажариш соҳасидаги вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг доклади тингланди ва ғоят ишчанлик вазиятида муҳокама этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шуни якдиллик билан қайд этдики, КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиб қолди, унинг қарорларини республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари чуқур мамнуният ва якдиллик билан маъқуллаб қабул қилдилар. Ҳақиқатан ҳам мамлакат экономикасини янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар ривожланган социалистик жамиятни ҳар томонлама такомиллаштириш, халқ фаровонлигини юксалтириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилинаётганлигининг ёрқин далилидир.

Партия аграр сиёсатини изчил амалга ошириш, Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш натижасида республикада деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш янада кўпайди, хўжаликларнинг экономикаси тобора мустаҳкамланмоқда. Социал-маданий қурилиш кенг кўламларда олиб борилмоқда, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг реал даромади кўпаймоқда. Бу эса меҳнат аҳлини янгидан янги бунёдкорлик ишларига илҳомлантирмоқда.

Партия ва ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлиги ва катта мадади туфайли Мирзачўл ва Жиззах, Сурхон-Шеробод ва Қарши даштларида илгари бўш ётган кўз илғамас массивларни, Қорақалпоғистон автоном республикасидаги бепоён қўриқ ерларни ирригациялаш, ўзлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Шуни айтиш кифояки, КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан кейин ўтган давр мобайнида сув хўжалигини ривожлантиришга салкам 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шу вақт ичида суғориладиган ерлар майдони 1,4 баравар кўпайиб, 3,7 миллион гектарга етди. Юксак инженерлик даражасидаги 200 дан зиёд суғориш системаси яратилди. Сирдарё оқимини ва Амударё сувини тартибга солиш асосан тугалланди.

Буларнинг ҳаммасига партия, совет, хўжалик органлари ҳар бир кишида мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, пировард натижаларга эришиш учун жавобгарлик ҳиссини кучайтира олганликлари туфайли эришилди. Кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принциплари бузилишига, хизмат мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланишга, бошқа салбий ҳолатларга қатъиян чек қўйишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари муҳим босқич бўлди. Республика партия ташкилоти ишлаб чиққан бу тадбирлар узоқ йиллар амал қилишимиз лозим бўлган йўл-йўриқлардир. Уларни сира оғишмай бажариш — ҳар бир коммунистнинг, барча партия ташкилотларининг муқаддас бурчидир.

Олдимизда турган вазифаларга шу юксак талаблардан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, партия, совет ва хўжалик органларининг ҳозир олиб бораётган иши деҳқончилик ва чорвачиликни барқарор ривожлантиришни, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни тўла даражада таъминламаётганлигига амин бўламиз. Сув хўжалиги қурилишига ажратилаётган маблағлар ҳамиша ҳам етарлича самара билан сарфланяпти деб бўлмайди. Асосий бойлигимиз бўлган суғориладиган ерлардан омилкорлик билан фойдаланилмаяпти. Бир қанча областларда суғорилаётган ерлар ҳосилдорлиги пасайиб кетганлигига асло тоқат қилиб бўлмайди. «Главсредазирсовхозстрой», Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда ўзлаштирилган майдонларнинг бир қисмида қурилиш комплекс ҳолда олиб борилмаяпти. Социал-маданий ва маиший объектлар барпо этишда орқада қолинмоқда, деҳқончилик маданияти паст. Шунинг натижасида пахта, шоли ва бошқа экинларнинг лойиҳадаги ҳосилдорлигига эришилмаётир. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг прогрессив формалари суст жорий этилмоқда.

Вазифа — сув хўжалиги қурилишини янада такомиллаштиришдан, иш сифатини яхшилашга доир қатъий чоралар кўришдан иборат. Акс ҳолда маблағлар сочиб юборилади, улардан белгиланган мақсадда фойдаланишга эришиб бўлмайди, битказилмаган қурилишлар ҳажмини камайтириб бўлмайди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун қаттиқ кураш олиб бориш керак. Айниқса, бажарилган ишлар ҳажмида қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ва камчиликларни хаспўшлаш сингари ҳайбаракаллачилик майлига берилган кимсаларнинг пайини шафқатсиз қирқиш пайти келди.

Ерларни мелиорациялаш юзасидан партия ишлаб чиққан узоқ муддатли программани муваффақиятли бажариш партия ташкилотларидан актив ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни авж олдиришни тақозо этади. «Бу планларнинг асосий мақсади равшан, — деган эди ўртоқ К. У. Черненко октябрь Пленумида сўзлаган нутқида. — Бу мақсад совет кишиларининг тобора салмоқли меҳнат натижаларига таяниб, халқ фаровонлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдан, халқимизнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини анча оширишдан иборат».

Дарҳақиқат, мелиорациялаш программасини амалга ошириш яқин йиллардаги зарбдор ишимиз ҳисобланади. Бу вазифаларнинг сиёсий моҳиятини ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир коллектив онгига етказиш ғоят муҳимдир. Шу муносабат билан колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, қишлоқ район партия комитетларига қўйиладиган талаблар миқёси ҳам ошади. Улар тарбиявий ишни кучайтиришлари, ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинларида уюшқоқлик ва тартибни оширишлари, ҳар бир меҳнатчининг топширилган иш участкасидаги ишнинг аҳволи учун юксак масъулият туйғусини кучайтиришлари керак. Зотан, мелиорациялаш программасини бажариш умумхалқ ишидир. Уни амалга ошириш эса экономикамизни янада юқори поғонага кўтариш имконини беради.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ҳукумат бошлиқлари иштирокида Гаванада ўтказилган XXXIX сессияси якунларини кўриб чиқди.

Мажлисда шу нарса уқтириб ўтилдики, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Гавана сессиясининг иши аввало Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар олий даражадаги Иқтисодий кенгашининг қарорларини амалга оширишга қаратилган. Шу қарорларни турмушга татбиқ этишнинг дастлабки якунлари қардош давлатлар ўзаро алоқаларини янада чуқурлаштириш, уларнинг куч-ғайратларини иқтисодий ҳамкорликнинг энг муҳим, бош йўналишларига қаратиш учун бу қарорларнинг принципиал аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Бу ишда 1986—1990 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш жуда муҳим роль ўйнайди, социалистик давлатлар экономикасини муттасил ривожлантириш учун яхши асос яратади. Ёқилғи-хом ашё тармоқларида ҳамкорлик қилишнинг 1990 йилгача бўлган даврга ва ундан ҳам олис истиқболга мўлжалланган ва сессияда маъқулланган узоқ муддатли тадбирлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг куч ва маблағларини бу соҳада ўзаро манфаатли тарзда бирлаштиришни таъминлайди. Фан-техника тараққиётининг биргаликда ишлаб чиқилаётган комплекс программаси қардош мамлакатларнинг фани ва техникасини жадал ривожлантиришга кўмаклашади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятининг ташкил этилишини такомиллаштириш юзасидан сессияда белгиланган тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Сессия социалистик ҳамдўстлик давлатларининг мустаҳкамланиб бораётган бирлиги ва жипслигини, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг халқаро обрў-эътибори ўсиб бораётганини намойиш қилди. Социалистик мамлакатлар тинчликни сақлаб қолиш, ядро уруши хавфининг олдини олиш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилишга берган қатъий азму қарорини империализмнинг агрессив милитаристик йўлига қарама-қарши қўймоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Н. А. Тихонов бошчилигидаги Совет делегациясининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XXXIX сессиясида қилган ишини маъқуллади ҳамда шу сессия қарорларини бажариш, СССРнинг қардош социалистик мамлакатлар билан, шунингдек ривожланаётган давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш соҳасида совет давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг сессиясида қатнашган социалистик мамлакатлар Коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетларининг иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи секретарлари амалий учрашуви якунлари маъқулланди. Бу учрашув Иқтисодий кенгашнинг социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва хўжалик қурилиши тажрибасини баҳам кўриш соҳасида қардош партияларнинг коллектив ишини кучайтириш борасидаги йўл-йўриқларини амалга оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Н. А. Тихонов ва Н. И. Рижков ўртоқларнинг Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Ф. Кастро ҳамда Кубанинг бошқа раҳбарлари билан ўтказилган музокаралар тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиб, маъқуллади. Шу музокаралар чоғида Совет—Куба иқтисодий муносабатларининг энг муҳим масалалари кўриб чиқилди ҳамда СССР билан Куба Республикаси ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг 2000-йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программаси имзоланди. Сиёсий бюро музокараларнинг якунлари ва белгиланган программанинг рўёбга чиқарилиши Совет—Куба дўстлигини муттасил мустаҳкамлашга, иккала мамлакат халқларининг ва умуман бутун социалистик ҳамдўстликнинг манфаатларига актив равишда кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Сиёсий бюро И. Гандининг фожиали ҳалокати муносабати билан ўтказилган мотам маросимларида қатнашиш учун Ҳиндистонга бориб келган Совет делегациясининг ахборотини тинглади. Бизнинг мамлакатимизда ҳинд халқининг, мамлакат раҳбарларининг ўз давлати бирлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя қилишга интилаётганликларига зўр хайрихоҳлик билан қаралаётганлиги уқтириб ўтилди. Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг ишончли дўсти бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади. Совет Иттифоқи социал тараққиёт ва халқлар ўртасида тинчлик манфаатлари йўлида ўзаро фойдали ҳамкорлигимизнинг ҳамма соҳаларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб, ривожлантираверишга азму қарор қилган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Коммунистик партия билан Совет давлатининг ташқи ва ички сиёсатига доир бошқа бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

**Румыния Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ**

## Николае ЧАУШЕСКУга

Ҳурматли ўртоқ Чаушеску!

Румыния Коммунистик партияси Бош секретари лавозимига қайта сайланганлигингиз муносабати билан Сизга ўз қутловларимни йўллайман. Ривожланган социалистик жамият қуриш соҳасида РКП XIII съезди белгилаб берган вазифаларни ҳал этишда Сизга, Румыниянинг барча коммунистларига, румин халқига муваффақиятлар тилайман.

Коммунистик салом билан

**К. ЧЕРНЕНКО,**
**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.**

## КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Москвага келган Ливия Социалистик халқ араб жамаҳирияси революцион раҳбарлик органининг аъзоси, Қуролли Кучлар бош қўмондони бригадир А. Ю. Жобирни 22 ноябрь куни Кремлда қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет — Ливия икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Икки томонни қизиқтирувчи баъзи халқаро проблемалар ҳам муҳокама қилинди.

(ТАСС).

## СССР БИЛАН АҚШ ЎРТАСИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МУЗОКАРАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАГА ДОИР

Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ядро қуроллари ва космик қуролларга алоқадор бўлган масалаларнинг бутун комплекси юзасидан ўзаро мақбул аҳдномаларга эришиш мақсадида янги музокараларни бошлаш ҳақида келишиб олдилар. Бу музокараларда шу масалаларга ва мақсадларимизга бир хил ёндашишга эришиш учун СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан АҚШ давлат секретари Ж. Шульц 1985 йил 7—8 январь кунлари Женевада учрашадилар.

(ТАСС).

## МАТБУОТ МАРКАЗИ хабар қилади

### БАЙРАМ ШАРАФИГА

◆ **СИРДАРЁ. Боёвут райони пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Давлатга 62650 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди.** «Коммунизм» колхози, «Боёвут» ва Руцкий номли совхозларнинг миришкорлари муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар. Пахта йиғим-теримида актив иштирок этаётган Тошкент шаҳрининг Киров ва Фрунзе районларининг меҳнаткашлари ишидан деҳқонлар, айниқса, мамнун бўлмоқдалар. Ҳиммати баланд ҳашарчилардан 3 мингдан зиёд киши даладаги бор ҳосилни сўнгги чаноқларигача йиғиштириб олиш иштиёқида зарбдорчасига меҳнат қилишмоқда.

### МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

◆ **ХОРАЗМ. Хонқа районидаги «Ленинград» колхози азаматлари социалистик мажбурият бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Она-Ватанга 5535 тонна «оқ олтин» армуғон этилди.** Ҳар гектар ердан 45—50 центнердан дурдона териб олишга эришган Саъдулла Раҳимов, Қодир Оллоберганов, Шариф Машариповлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари барчага ўрнак кўрсатдилар.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасини қизғин қўллаб-қувватлаётган колхоз миришкорлари ялпи хирмонни 6000 тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

## „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 ноябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ФАРҒОНА | 0,11 | 107,75 | — | 17,70 |
| НАМАНГАН | 0,05 | 102,74 | 0,08 | 60,61 |
| ТОШКЕНТ | 0,03 | 102,65 | — | 81,63 |
| АНДИЖОН | 0,18 | 100,40 | 0,02 | 40,18 |
| Хоразм | 0,21 | 95,54 | 0,16 | 33,84 |
| Сирдарё | 0,28 | 95,29 | 0,06 | 77,80 |
| Сурхондарё | 0,21 | 93,33 | — | 58,45 |
| ҚҚАССР | 0,27 | 84,13 | 0,16 | 53,20 |
| Самарқанд | 0,20 | 82,57 | 0,06 | 30,02 |
| Жиззах | 0,08 | 71,75 | — | 49,98 |
| Навоий | 0,30 | 69,71 | 0,02 | 21,32 |
| Бухоро | 0,08 | 65,82 | — | 6,15 |
| Қашқадарё | 0,15 | 53,52 | 0,09 | 20,84 |
| Республика бўйича: | 0,16 | 87,09 | 0,05 | 43,45 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта | | | | |
| Сурхондарё | 0,31 | 118,49 | — | 106,16 |
| Наманган | 0,02 | 107,54 | — | — |
| Навоий | 0,64 | 81,67 | — | 5,36 |
| Қашқадарё | 0,29 | 71,41 | 0,29 | 44,81 |
| Бухоро | 0,17 | 65,02 | — | — |
| Республика бўйича: | 0,30 | 99,32 | 0,11 | 71,91 |

# ҚУРУВЧИЛАР СУРЪАТНИ КУЧАЙТИРИШЛАРИ КЕРАК

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 23 ноябрь куни бўлиб ўтган кенгашда ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида сўзлаган нутқидаги йўл-йўриқлар ва хулосалар асосида республика капитал қурилишининг аҳволи кўриб чиқилди. Кенгашда область партия комитетларининг капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи секретарлари ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, республика қурилиш министрликлари ва идораларининг, бир қанча йирик пудратчи ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашдилар.**

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев очди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар йил бошидан бери ўтган вақт ичида қурувчилар 4,7 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирганликларини уқтириб ўтдилар. 2,5 миллиард сўмликдан зиёд асосий фондлар ишга туширилди, қурилиш сифати бирмунча яхшиланди.

Шу билан бирга республикадаги капитал қурилишнинг аҳволи ҳали талабларга мувофиқ эмас, Планни бажариш учун қолган вақт ичида анча миқдордаги асосий фондлар, уй-жойлар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар ва ҳунар-техника билим юртлари фойдаланиш учун топширилиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида кўрсатилган камчиликлар қурилиш ташкилотларининг ҳаммасида ҳам бартараф этилмаганлигини кенгаш қатнашчилари уқтириб ўтишди. Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Главташкентстрой ҳамда бир қанча бошқа министрликлар ва идоралар бўлинмаларининг орқада қолишига йўл қўйилди. Бу жойларда бригада пудратини оммалаштиришга ҳамон расмиятчилик билан қаралмоқда: хўжалик ҳисобидаги илғор коллективларнинг тажрибаси бошқа коллективларнинг ҳам мулкига айлантирилаётгани йўқ, шу сабабли илғор коллективларнинг юксак ютуқлари умумий пировард натижаларга деярли таъсир қилмаяпти.

Кўпгина қурилиш бўлинмаларида сиёсий-тарбиявий иш дуруст йўлга қўйилмаган, социалистик мусобақани ривожлантириш, самарали меҳнат беллашуви учун шароит яратилмаган, топширилган иш учун кадрларнинг масъулияти оширилмаган.

Қурилиш ишларини пухта ташкил этиш учун зарур ишларнинг ҳаммаси ҳам қилинаётгани йўқ, бу эса иш унумининг пасайишига, иш вақтининг кўп зое кетишига, одам ресурслари ва материаллар кўпдан кўп объектларга тарқатиб юборилишига, техникадан тўла-тўкис фойдаланилмаслигига олиб бормоқда. Қурилиш ва махсус монтаж ташкилотларининг баҳамжиҳат бўлиб ишлашини анча яхшилаш лозим. Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг бўлинмалари ҳамма жойда ҳам белгиланган иш суръатларини таъминламаяптилар, бир қанча объектларда конструкциялар, асбоб-ускуналар, инженерлик коммуникацияларини монтаж қилиш графикларига риоя этилмаяпти.

Кенгашда қолоқликни тугатиш ва халқ хўжалигининг энг муҳим объектларини планлаштирилган муддатларда ишга тушириш тадбирлари белгиланди. Булар орасида Янги Ангрен ГРЭСининг биринчи энергетика блоки, Муборак газни қайта ишлаш заводининг янги қувватлари ва «Қорақалпоғистон», «Тулей» газ компрессор станциялари, Самарқанд ва Қўқонда аммофос ишлаб чиқарадиган, Фарғонада карбамид, Навоийда фазалон ишлаб чиқарадиган қувватлар, Ленинскдаги трактор прицеплари заводи, тўқимачилик комбинатларининг Боғот, Яккабоғ, Пойтуғ, Ерқишлоқ, Беруний, Ҳаққулободдаги филиаллари, Тошкентдаги метрополитеннинг янги линияси ва телемарказ ҳамда кўпгина бошқа объектлар бор.

Планлаштириб қўйилган ҳамма уй-жой биноларини ва социал-маиший объектларни юқори сифатли қилиб ишга тушириш қурувчиларнинг шон-шараф иши эканлиги кенгашда айтиб ўтилди.

Ишларнинг суръатини кескин ошириш учун қурувчиларнинг ҳамма имкониятлари борлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Бунинг учун ҳар бир иш соатидан, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш керак. Ҳамма жойда қўшма ишлаб чиқариш графиклари асосида ишни икки ва уч сменада ташкил этиш лозим. Социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларидан моҳирона фойдаланиш керак.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, республика Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон ССР Олий Советп Президиумининг Фармони

### ЎРТОҚ Н. А. УМЕРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан республика «Ленин байроғи» газетасининг редактори ўртоқ Нуззет Абибуллаевич **Умеров** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри, 1984 йил 23 ноябрь.

## АФҒОНИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР

Афғонистон Демократик Республикаси зиёлиларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида бўлдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

АДР фан ва маданият арбоблари Фарғона водийсидаги областларга сафар қиладилар.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлиги бўлим мудирининг ўринбосари ўртоқ Асқар Абдуллаевич **Башировга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган социал таъминот ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Паркент район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Акром Пўлатович **Алимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

